

4-1-2020

## LABOR EXPERIENCE AND WAGES - IMPORTANT FACTORS DETERMINING THE SIZE OF PENSIONS IN THE FUTURE

B. Mamatov

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Mamatov, B. (2020) "LABOR EXPERIENCE AND WAGES - IMPORTANT FACTORS DETERMINING THE SIZE OF PENSIONS IN THE FUTURE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 4.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## МЕҲНАТ СТАЖИ ВА ИШ ҲАҚИ – КЕЛАЖАҚДА ПЕНСИЯ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Мақолада фуқароларнинг ижтимоий таъминоти масалалари, хусусан, пенсия таъминоти кўриб чиқилган. Иш ҳақи ва пенсияларнинг ўртача ойлик миқдори, пенсия тизимида қоплаш коэффициентининг ўзгариши таҳлил қилинган. Пенсия миқдорини аниқлаш услубиёти ва унга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Тадқиқот натижалари асосида фуқароларнинг келажакда муносиб пенсия миқдorigа эришишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** пенсия, пенсия таъминоти, ёшга доир пенсия, иш ҳақи, меҳнат стажи, пенсия жамғармаси, пенсионер, пенсия миқдори, қоплаш коэффициенти, демография, даромад, молиявий барқарорлик.

## ТРУДОВОЙ СТАЖ И ЗАРАБОТНАЯ ПЛАТА – ВАЖНЫЕ ФАКТОРЫ ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ РАЗМЕР ПЕНСИИ В БУДУЩЕМ

В статье рассмотрены вопросы социального обеспечения граждан, в частности, пенсионного обеспечения. Проанализированы среднемесячная заработная плата и пенсии, изменение коэффициента замещения в пенсионной системе. Исследованы методика определения размера пенсий и факторы, влияющие на размер пенсий. На основе результатов исследований разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации, направленные на получение достойной пенсии в будущем.

**Ключевые слова:** пенсия, пенсионное обеспечение, пенсия по возрасту, заработная плата, трудовой стаж, пенсионный фонд, пенсионер, размер пенсии, коэффициент покрытия, демография, доход, финансовая устойчивость.

## LABOR EXPERIENCE AND WAGES - IMPORTANT FACTORS DETERMINING THE SIZE OF PENSIONS IN THE FUTURE

The article examines the social security of citizens, in particular, the issues of pension provision. The average monthly wages and pensions, changes in the replacement rate in the pension system are analyzed. The methodology for determining the size of pensions and factors affecting the size of pensions are investigated. Based on the research results, scientifically based proposals and recommendations for achieving a decent retirement have been developed.

**Key words:** pension, pension provision, old-age pension, salary, seniority, pension fund, pensioner, pension, coverage ratio, demography, income, financial stability.

## Кириш

Ёшликда, боринг-ки, кўзда нур, белда қувват ва билакда куч бор даврда аксарият фуқароларимизни пенсия тизими ва унинг қандай ишлаши қизиқтирмаса керак. Лекин инсон умри шиддат билан ўтаётган экан, кўз очиб-юмгунча пенсия ёшига яқинлашиб қолганимизни ҳам сезмай қоламиз. Пенсия ёшига етганимизда эса кўпроқ миқдорда пенсия олишни хоҳлашимиз, табиий. Бироқ, қанча миқдорда пенсия олишимиз, аввало, ўзимизга, қолаверса, мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимининг ривожланганлигига боғлиқ.

Тўғри, давлат томонидан ҳам фуқароларнинг ижтимоий таъминоти кафолатланган. Жумладан, “хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” [1]. Ўз навбатида, ижтимоий таъминот кенг тушунча бўлиб, кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизимини қамраб олади. Пенсиялар эса ижтимоий таъминотнинг муҳим шакли ҳисоблансада, аммо, уни олишнинг ўз талаби, тартиби ва шартлари мавжуд. Шунинг учун ҳам пенсия ёшига етган айрим фуқаролар давлат томонидан белгиланган минимал пенсияни олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайдилар. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, “дунё мамлакатлари бўйича пенсия ёшидаги аҳолининг 68 фоизи ёшга доир пенсия олишади” [2]. Бундай манзара пенсия таъминоти тизимида ўз ечимини кутаётган глобал муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, энг аввало, пенсия тизимидаги жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва баҳолаш, унинг омилларини ўрганиш, пенсия ёши, пенсия миқдори, меҳнат стажи, ойлик иш ҳақи, меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган кўплаб иқтисодий-ижтимоий масалаларни тадқиқ этишни талаб этади.

## Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган масалалар билан узоқ хориж олимларидан О.Бисмарк, У.Беверидж, Дж.Пенг, Е.Пальмер, Ф.Вильям ва бошқалар шуғулланганлар. Пенсия тизими билан боғлиқ муаммолар яқин хориж олимларидан Н.Борисенко, В.Роик, С.Бровчак, В.Романченко, А.Шеметов, С.Орлов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистон олимларидан А.Вахабов, Н.Мажидов, Т.Маликов, Д.Рустамов, Ш.Давронов ва бошқалар томонидан давлат пенсия таъминоти масалалари ўрганилган.

О.Бисмарк томонидан биринчи марта авлодлар бирдамлиги принципига асосланган тақсимланувчи пенсия тизими 1889 йилда Германияда жорий қилинган. Бунда ижтимоий суғурта мажбурий бўлган ва иш берувчи ҳамда ишловчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан пенсия таъминоти амалга оширилган [3]. У.Беверидж 1942 йилда Буюк Британияда ижтимоий суғурта тизимининг асосларини яратган. Унинг тадқиқотларида аҳолининг ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланиши, иш берувчи томонидан ёлланма

ишчиларнинг ижтимоий суғурта таъминотини амалга ошириш ва ишчилар кўшимча шахсий суғурта таъминотига эга бўлиши зарурлиги кенг ўрин олган [4]. Америкалик олим Дж.Пенгнинг илмий ишларида пенсия фондларини самарали бошқариш масалалари тадқиқ этилган [5]. Е.Пальмер томонидан уч даражали пенсия тизими тадқиқ этилган бўлиб, булар мажбурий-тақсимланувчи, мажбурий жамғариб бориладиган ва якка тартибдаги ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия тизимидир [6]. Ф.Вильям хусусий пенсия фондларини ривожлантириш масалаларига асосий эътиборни қаратган [7].

Яқин хорижлик олимлар ҳам пенсия тизимини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланганлар. Жумладан, Н.Борисенконинг илмий ишларида фуқаролар пенсия таъминотининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли демографияси ва пенсия тизимининг хориж тажрибалари ёритилган [8]. В.Роик томонидан пенсия таъминотининг асосини ташкил этувчи ижтимоий суғурта масалалари тадқиқ қилинган [9]. С.Бровчакнинг илмий ишларида Россия ва хорижий мамлакатларнинг пенсия таъминоти тажрибалари қиёсий таҳлил қилинган, уларнинг хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари аниқланган [10]. В.Романченко тадқиқотларида пенсия тизимини ривожлантиришнинг халқаро тажрибалари очиб берилган ва ундан фойдаланиш имкониятлари асосланган [11]. А.Шеметов ва С.Орловларнинг монографиясида Россия пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати таҳлил қилинган, пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар ва унинг сабаблари аниқланган, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [12].


Ўзбек олимлари томонидан ҳам пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, А.Вахабов ва Н.Мажидовлар томонидан пенсия тизими ривожланиши ва нодавлат пенсия таъминотининг назарий асослари, шунингдек миллий пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган [13]. Т.Маликов илмий асарларида пенсияларнинг мазмуни ва моҳияти, турлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни тадқиқ қилинган [14]. Д.Рустамовнинг монографиясида Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари ўрганилган [15]. Ш.Давронов томонидан давлат пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилган, шу жумладан, фуқароларнинг ижтимоий суғурталаш тизимидаги узлуксиз иштирокини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқилган [16]. Бироқ, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими тараққиётга таъсир этувчи бирламчи омиллар, илғор хориж тажрибалари асосида уч даражали пенсия тизимини жорий қилиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда ҳамда аёллар –

55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқароларнинг пенсия миқдори қуйидагилардан ташкил топади:



**1-расм. Пенсия миқдорининг таркиби [17]**

1. *Пенсиянинг базавий миқдори.* Охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун амалдаги ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида белгиланади.

2. *Иш стажи учун пенсиянинг оширилиши.* Пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган (эркаклар учун 25 йил ва аёллар учун 20 йил) ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсиянинг базавий миқдори – пенсияни ҳисоблаш чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига оширилади.

3. *Пенсияга устама ҳақлар.* Бу фуқаролар айрим тоифаларининг пенсиясига устама сифатида қуйидагича белгиланган ва тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар кўшиб ҳисобланади: I гуруҳ уруш ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи; II гуруҳ уруш ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи; кўриш бўйича I гуруҳ ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи; I гуруҳ ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи; II гуруҳ ёлғиз ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи; уруш қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи; 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт орқасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи ва ҳ.к.

Демак, фуқароларнинг пенсия миқдори, асосан, уларнинг иш ҳақи миқдори ва меҳнат стажига боғлиқ бўлади. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз (1-жадвал). Масалан, фуқаро Т.Эшматов 2020 йил 12 январда 60 ёшга тўлгач пенсия тайинлаш учун мурожаат қилди ва унинг охирги ўн йил мобайнида меҳнат фаолиятининг 5 йиллик даври учун ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаймиз. Бунинг учун пенсия тайинланишидан олдинги 12 ой учун ўртача пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори аниқланади:  $(202730 * 7) + (223000 * 5) / 12 = (1419110 + 1115000) / 12 = 2534110 / 12 = 211176$  сўм.

**1-жадвал**

**Пенсия миқдорини аниқлаш тартиби [18]**

Даврлар	Энг кам ойлик иш хақи микдори	Пенсияларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш хақи	Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффиценти	Ўртача пенсияни ҳисоблашнинг базавий микдори	Қайта ҳисоблаб чиқилган иш хақи
1	2	3	4 (3/2)	5	6 (4*5)
<b>2015 йил</b>					
Январ	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Феврал	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Март	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Апрел	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Май	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Июн	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Июл	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Август	118 400,00	680 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Сентябр	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Октябр	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Ноябр	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Декабр	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
<b>Жами</b>					<b>14 554 021,62</b>
<b>2016 йил</b>					
Январ	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Феврал	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Март	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Апрел	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Май	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Июн	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Июл	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Август	130 240,00	748 000,00	5,74	211 176,00	1 212 835,14
Сентябр	130 240,00	860 200,00	6,60	211 176,00	1 394 760,41
Октябр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Ноябр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Декабр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
<b>Жами</b>					<b>14 735 971,19</b>
<b>2017 йил</b>					
Январ	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Феврал	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Март	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Апрел	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Май	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Июн	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Июл	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Август	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Сентябр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Октябр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Ноябр	149 775,00	860 200,00	5,74	211 176,00	1 212 843,23
Декабр	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
<b>Жами</b>					<b>14 554 127,60</b>
<b>2018 йил</b>					

Январ	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Феврал	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Март	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Апрел	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Май	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Июн	172 240,00	989 230,00	5,74	211 176,00	1 212 852,03
Июл	184 300,00	1 175 230,00	6,38	211 176,00	1 346 610,80
Август	184 300,00	1 175 230,00	6,38	211 176,00	1 346 610,80
Сентябр	184 300,00	1 175 230,00	6,38	211 176,00	1 346 610,80
Октябр	184 300,00	1 175 230,00	6,38	211 176,00	1 346 610,80
Ноябр	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Декабр	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
<b>Жами</b>					<b>15 357 291,59</b>
<b>2019 йил</b>					
Январ	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Феврал	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Март	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Апрел	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Май	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Июн	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Июл	202 730,00	1 293 000,00	6,38	211 176,00	1 346 868,09
Август	223 000,00	1 430 000,00	6,41	211 176,00	1 354 177,94
Сентябр	223 000,00	1 430 000,00	6,41	211 176,00	1 354 177,94
Октябр	223 000,00	1 430 000,00	6,41	211 176,00	1 354 177,94
Ноябр	223 000,00	1 430 000,00	6,41	211 176,00	1 354 177,94
Декабр	223 000,00	1 430 000,00	6,41	211 176,00	1 354 177,94
<b>Жами</b>					<b>16 198 966,32</b>
<b>Ҳаммаси</b>					<b>75 400 378,31</b>
<b>Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш ўртача ойлик иш ҳақи</b>					<b>1 256 673,0</b>
<b>Пенсиянинг базавий миқдори</b>					<b>691 170,1</b>
<b>Ортиқча иш стажи - жами 7 йил</b>					<b>62 833,6</b>
<b>Пенсия миқдори</b>					<b>754 003,8</b>

Амалдаги қонунларда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олиниши белгиланган. Бизнинг мисолимизда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача ойлик иш ҳақи 1256673 сўмни ташкил қилган, яъни пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ( $223000 \cdot 10 = 2230000$  сўм) кўп эмас. Шунинг учун 1256673 сўмни 60 га бўлиб, чиққан натижанинг 55 фоизи (691170,1 сўм) пенсиянинг базавий миқдори ҳисобланади. Демак, фуқаро Т.Эшматов пенсиясининг базавий миқдори 691170,1 сўмни ташкил қилган. Унинг жами меҳнат стажи эса 30 йилни (қонун бўйича 25 йил талаб этилади) ташкил этади. Бундан кўринадики, Т.Эшматовнинг 5 йил ортиқча иш стажи мавжуд бўлиб, ҳар бир ортиқча иш стажи учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи (1256673,0) нинг 1 фоизи ( $1256673,0 \cdot 0,5 = 62833,6$  сўм) миқдорида кўшиб

берилади. Пенсиянинг базавий миқдори (691170,1 сўм) ортиқча иш стажи учун фоизларни (62833,6 сўм) қўшсак, Т.Эшматовнинг пенсия миқдори 754003,8 сўмни ташкил қилади. Юқоридаги ҳисоб-китоблардан маълум бўладики, пенсия миқдори, энг аввало, иш ҳақи миқдориға боғлиқдир. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Юқорида таъкидлаганимиздек, пенсияни ҳисоблаш учун пенсия тайинланадиган санага белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ўн баравари миқдоридан (2230000 сўм) ортиқ бўлмаган суммадаги ўртача ойлик иш ҳақи қабул қилинади, яъни пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдориға чеклов ўрнатилган. Бундай чеклов иш ҳақи миқдорининг юқорилиги пенсия миқдорининг ҳам юқори бўлишини таъминлашга тўсқинлик қилади. Бизнинг фикримизча, мазкур чеклов фуқаролар меҳнат фаолиятини рағбатлантиришга ҳам салбий таъсир кўрсатади ва иқтисодий адолат принципларига мос келмайди. Шунинг учун пенсия тизимидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ўн икки ва босқичма-босқич ўн олти баробаригача ошириш, истиқболда эса ушбу чекловларни бутунлай бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Қўшимча равишда ушбу таклифни қуйидаги таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда асослаш ҳам мумкин. Жумладан, мамлакатимизда ўртача иш ҳақи 2019 йилда 2320 минг сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 10,2 мартага, пенсиянинг ўртача миқдори эса тегишлича 4,1 мартага ортган (2-жадвал).


**2-жадвал**

**Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда иш ҳақи  
ва пенсияларнинг ўртача миқдори (минг сўмда) [19]**

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Иш ҳақининг ўртача миқдори	228,1	312,2	484,3	726,5	895,4	1123,4	1274,3	1457,8	1609,1	2320,0
Пенсиянинг ўртача миқдори	171,9	218,5	274,0	330,8	404,3	438,2	494,2	556,7	640,5	705,0

Юқоридаги 2-жадвал маълумотлари асосида қоплаш коэффициентини аниқлаймиз. Бу кўрсаткич ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақиға нисбатини ифодалайди. Халқаро Меҳнат ташкилотининг тавсиясига мувофиқ, фуқароларга тайинланган пенсия миқдори иш ҳақининг камида 40 фоизидан кам бўлмаслиги зарур [20]. Аммо, 2-жадвал маълумотлари бўйича қоплаш коэффициенти 2010-2019 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган (2-расм).





**2-расм. Пенсия тизимида қоплаш коеффициентининг ўзгариши (фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>**

Бундай манзара, биринчидан, иш ҳақи ўртача миқдорининг ўсиш суръатлари пенсия ўртача миқдорининг ўсиш суръатидан юқори бўлганлигини кўрсатади ва бу аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Иккинчидан, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори учун белгиланган чеклов пенсия миқдорининг юқори бўлишига тўсқинлик қилади ва бу аҳолининг кекса қатламини ижтимоий ва моддий жихатдан ҳимоялаш нуктаи назаридан салбий омилдир.

Пенсия миқдорига меҳнат стажининг давомийлиги фаол таъсир кўрсатади. Юқоридаги мисол бўйича фуқаро Т.Эшматовнинг жами меҳнат стажини 15 йил деб фараз қиламиз, яъни қонун бўйича талаб этиладиган (эркаклар учун камида 25 йил) иш стажидан 10 йил кам. Бундай ҳолда Т.Эшматовнинг меҳнат стажи тўлиқ бўлмаган деб ҳисобланади ва пенсия иш стажига мутаносиб равишда қуйидагича тайинланади: дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади (691170,1 сўм); ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажи ойлари сонига бўлинади ( $691170,1/300=2303,90$  сўм), олинган сумма амалдаги иш стажи ойлари сонига кўпайтирилади ( $2303,90*180=414702,06$  сўм). Демак, фуқаро Т.Эшматовнинг меҳнат стажи 15 йил бўлганлиги учун унинг пенсия миқдори 414702,06 сўмни ташкил этмоқда. Бундан кўринадики, 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган фуқаронинг пенсия миқдори билан 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлган фуқаронинг пенсия миқдори (ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгармаган ҳолда) ўртасидаги фарқ 276468,1 сўмни ташкил этмоқда. Хулоса шуки, пенсия миқдори ва меҳнат стажи давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик сезиларсиздир. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутаяди [21]. Иш стажига нисбатан 7 йил

<sup>1</sup> Муаллиф ҳисоб-китоби

давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокига салбий таъсир ўтказди ва келажакда кўпроқ миқдорда пенсия олиш учун кўпроқ меҳнат стажига эга бўлишини рағбатлантирмайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам иш стажи 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)га аъзо мамлакатларда талаб этиладиган энг кам иш стажи 10-15 йилга етказилган.

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Фуқароларнинг пенсия миқдори, асосан, уларнинг иш ҳақи миқдори ва меҳнат стажига боғлиқ бўлади. Пенсияни ҳисоблашда унинг базавий миқдорига нисбатан белгиланган чеклов иш ҳақи миқдори мутаносиб равишда пенсия миқдорининг ҳам юқори бўлишига тўсқинлик қилади. Бизнинг фикримизча, мазкур чеклов фуқаролар меҳнат фаолиятини рағбатлантиришга ҳам салбий таъсир кўрсатади ва иқтисодий адолат принципларига мос келмайди. Шунинг учун пенсия тизимидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ўн икки ва босқичма-босқич ўн олти баробаригача ошириш, истиқболда эса ушбу чекловларни бутунлай бекор қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Амалдаги қонунчиликка кўра 7 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахсларга пенсия тайинланади. Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокига салбий таъсир ўтказди ва келажакда кўпроқ миқдорда пенсия олиш учун кўпроқ меҳнат стажига эга бўлишини рағбатлантирмайди. 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган фуқаронинг пенсия миқдори билан 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлган фуқаронинг пенсия миқдори (ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгармаган ҳолда) ўртасидаги фарқ 276468,1 сўмни ташкил этмоқда. Бундай ҳолат ишловчиларнинг ижтимоий суғуртадаги узоқ муддат ва узлуксиз иштирокини рағбатлантиришдаги механизмларнинг заифлигини кўрсатади ва пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этади. Таҳлил натижалари, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам меҳнат стажи бўйича хорижий тажрибалар ҳамда халқаро меъёрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажини босқичма-босқич бир йилдан ошириб, уни 15 йилга етказиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь, 39-модда.

2. Доклад о социальной защите в мире в 2017-2019 годах. Обеспечение всеобщей социальной защиты для достижения Целей в области устойчивого

развития. Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро Международной организации труда для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2018. – С. 33.

3. Martin Kitchen. The Cambridge Illustrated History of Germany: - Cambridge University Press. 1996. (<https://www.amazon.com/Cambridge-Illustrated-History-Germany-Histories>).

4. [https://studme.org/58773/strahovoe\\_delo/model\\_beveridzha](https://studme.org/58773/strahovoe_delo/model_beveridzha).

5. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA: “Auerbach Publications”, 2008. – 263 p.

6. Edward Palmer. The Swedish Pension Reform Model: Framework and Issues. Public Disclosure Authorized. June 2000. – P. 62.

7. William F. Sharpe Adaptive Asset Allocation Policies // Financial Analysts Journal. 2010. – №66. – P. 45-59.

8. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 365 с.

9. Роик В. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.

10. Бровчак С.В. Пенсионное обеспечение. Российский и зарубежный опыт. – М.: «Инфра-М», 2009. – 215 с.

11. Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. Вестник МИЭП. 2015. – № 3 (20). – С. 58-73.

12. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: «Изд-во Курганского гос. ун-та», 2013. – 106 с.

13. Вахабов А., Мажидов Н. Жамғариб болиладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: “Университет”, 2017. – 128 б.

14. Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 б.

15. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2018. – 200 б.

16. Давронов Ш.З. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 56 б.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХП-сон қонуни, 25-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

20. Конвенция МОТ №102 “О минимальных нормах социального обеспечения”, статья 67.

21. [http://pfru.uz/uz\\_Cyrl/page/518/proekt-konceptsiya-reformirovaniya-sistemy-gosudarstvennogo-pensionnogo-obespecheniya](http://pfru.uz/uz_Cyrl/page/518/proekt-konceptsiya-reformirovaniya-sistemy-gosudarstvennogo-pensionnogo-obespecheniya).